

**КИБЕРФИРИБГАРЛИКНИ ФОШ ЭТИШДА ТЕЗКОР ХИЗМАТ
ХОДИМЛАРИ ТОМОНИДАН АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН
ҲАМКОРЛИКНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18693083>

Аминов Шариф Насимович

Ўзбекистон Республикаси

ИИВ Академияси доценти, (PhD)

Асрақулов Мирносир Мирсултонович

Ўзбекистон Республикаси

ИИВ Академияси доценти, (PhD)

Мирсалихова Гузал Алаутдиновна

Ўзбекистон Республикаси

ИИВ Академияси, катта ўқитувчиси

Аннотация

Мазкур илмий мақолада киберфирибгарлик жиноятларини фош этиш жараёнида тезкор хизмат ходимлари томонидан амалга ошириладиган ҳамкорликнинг ташкилий-ҳуқуқий ва амалий жиҳатлари таҳлил қилинган. Шунингдек, кибержиноятларнинг ўзига хос хусусиятлари, уларни аниқлаш ва фош этишда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш, идоралараро ахборот алмашинуви, тезкор-қидирув тадбирларини мувофиқлаштириш масалалари ёритилган. Мақолада тезкор хизматлар, тергов органлари ҳамда бошқа ваколатли тузилмалар ўртасидаги ҳамкорлик самарадорлигини ошириш йўллари илмий-назарий ва амалий нуқтаи назардан асослаб берилган. Тадқиқот натижалари киберфирибгарликка қарши курашиш фаолиятини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Калит сўзлар

киберфирибгарлик, кибержиноят, тезкор хизмат, тезкор-қидирув фаолияти, идоралараро ҳамкорлик, ахборот алмашинуви, рақамли далиллар, ахборот-коммуникация технологиялари, жиноятларни фош этиш, профилактика.

Аннотация

В данной научной статье проанализированы организационно-правовые и практические аспекты сотрудничества, осуществляемого сотрудниками

оперативных служб в процессе раскрытия преступлений, связанных с кибермошенничеством. Также освещены особенности киберпреступлений, вопросы использования информационно-коммуникационных технологий при их выявлении и раскрытии, межведомственного обмена информацией и координации оперативно-розыскных мероприятий. В статье с научно-теоретической и практической точек зрения обоснованы пути повышения эффективности взаимодействия между оперативными службами, следственными органами и другими уполномоченными структурами. Результаты исследования направлены на совершенствование деятельности по противодействию кибермошенничеству.

Ключевые слова

кибермошенничество, киберпреступление, оперативная служба, оперативно-розыскная деятельность, межведомственное взаимодействие, обмен информацией, цифровые доказательства, информационно-коммуникационные технологии, раскрытие преступлений, профилактика.

Abstract

This scientific article analyzes the organizational, legal, and practical aspects of cooperation carried out by operational service officers in the process of detecting and solving cyber fraud crimes. It also examines the specific features of cybercrimes, the use of information and communication technologies in their identification and investigation, interagency information exchange, and the coordination of operational-search activities. From both theoretical and practical perspectives, the article substantiates ways to enhance the effectiveness of interaction between operational services, investigative bodies, and other authorized structures. The results of the study are aimed at improving activities to combat cyber fraud.

Keywords

cyber fraud, cybercrime, operational service, operational-search activity, interagency cooperation, information exchange, digital evidence, information and communication technologies, crime detection, prevention.

Бугунги кунда жамият хаётининг барча сохаларида ракамлаштириш жараёнларининг жадал суръатларда ривожланиши ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш кўламини кенгайтирди. Интернет тармоғи, электрон тўлов тизимлари, масофавий банк хизматлари ва ижтимоий тармоқлардан оммавий фойдаланиш эса янги турдаги жиноятлар, хусусан

киберфирибгарлик жиноятларининг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Киберфирибгарлик анъанавий фирибгарликдан фаркли равишда трансмиллий хусусиятга эга бўлиб, жиноят содир этувчи шахс ва жабрланувчи турли ҳудудларда, ҳатто турли давлатларда бўлиши мумкин. Бу эса уни фош этиш ва тергов қилиш жараёнини мураккаблаштиради.

Киберфирибгарлик жиноятларини ўз вақтида аниқлаш ва фош этишда тезкор хизмат ходимларининг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Чунки мазкур турдаги жиноятлар юқори даражада яширин тарзда содир этилади, рақамли излар тез йўқолиши ёки ўзгартирилиши мумкин. Шу боис тезкор-қидирув фаолиятини самарали ташкил этиш, ахборотларни тезкор йиғиш ва таҳлил қилиш, рақамли далилларни қонуний тартибда мустаҳкамлаш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Амалиёт шунини кўрсатмоқдаки, киберфирибгарликни фош этиш фақат битта идора доирасида амалга оширилиши қийин. Бунда ички ишлар органлари, тезкор-қидирув хизматлари, тергов бўлинмалари, ахборот технологиялари соҳаси мутахассислари, банк ва молиявий ташкилотлар ҳамда бошқа ваколатли тузилмалар ўртасидаги самарали ҳамкорлик ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Айниқса, идоралараро ахборот алмашинувини такомиллаштириш, ваколат ва вазифаларни аниқ белгилаш, қонунчилик асосларини мустаҳкамлаш зарурати тобора ортиб бормоқда.

Мазкур илмий мақоланинг мақсади киберфирибгарликни фош этишда тезкор хизмат ходимлари томонидан амалга ошириладиган ҳамкорликнинг айрим ташкилий-ҳуқуқий ва амалий жиҳатларини таҳлил қилиш, мавжуд муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Тадқиқот доирасида киберфирибгарлик жиноятларининг ўзига хос хусусиятлари, тезкор-қидирув тадбирларини мувофиқлаштириш механизмлари ва ҳамкорлик самарадорлигини ошириш омиллари комплекс равишда кўриб чиқилади.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш жараёнида, айниқса, киберфирибгарлик бўйича жабр кўрган шахсдан кўрсатувлар олиш алоҳида аҳамият касб этади. Чунки жиноят содир этилишига оид барча ҳолатлар айнан дастлабки маълумотлар асосида аниқланади. Шунинг назарда тутиш лозимки, айрим ҳолларда аризачилар жиноят тўғрисида тўлиқ ёки аниқ маълумот бермасликлари, айрим жиҳатларни яширишга ҳаракат қилишлари мумкин. Бундай вазиятда тезкор ходим жабрланувчи билан психологик алоқа

ўрнатиши, ишончли муҳит яратиши ва кўрсатма бериш жараёнида унинг ўзини эркин ҳис этишини таъминлаши зарур.

Шу билан бирга, киберфирибгарликни самарали фойда этиш учун фирибгарларнинг ўзига хос, кўзга ташланиб турадиган белгиларини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Кўрсатув олиш жараёнида ахборот-коммуникация технологиялари воситаларидан қандай фойдаланилгани, алоқа воситалари, электрон тўлов тизимлари ёки интернет платформалар орқали қандай ҳаракатлар амалга оширилгани ҳақида аниқ маълумотлар йиғилиши лозим. Зарур ҳолларда кўрсатма берувчига ахборот-коммуникация технологиялари ускуналаридан фойдаланишга оид тушунтиришлар берилиши, бу орқали ҳолатнинг барча техник жиҳатлари аниқлаштирилиши мақсадга мувофиқдир. Бу эса, ўз навбатида, тезкор-қидирув тадбирларини самарали режалаштириш ва идоралараро ҳамкорликни тўғри йўлга қўйишга хизмат қилади.

Киберфирибгарлик ҳолатларида жабрланувчидан кўрсатув олиш жараёни алоҳида эътибор ва пухта тайёргарликни талаб қилади. Аввало, жинойт қачон, қаерда ва қандай шароитда содир этилгани, жабрланувчи билан гумонланувчи ўртасидаги мулоқот мазмуни ва давомийлиги, дастлабки ишонч қандай шаклланиши аниқлаштирилиши лозим. Шунингдек, фирибгар алоқага қай тарзда чиққанлиги, қайси ижтимоий тармоқ, мессенжер ёки бошқа электрон платформа орқали мурожаат қилгани, қандай рақамлар, аккаунтлар, логин ёки никнеймлардан фойдалангани ҳам қайд этилади. Агар мулоқот юзма-юз тарзда кечган бўлса, гумонланувчининг ташқи кўриниши, ўзини тутиши, қандай шахс сифатида таништирилгани, ишонч қозониш мақсадида тақдим этган ҳужжат ёки буюмлари, шунингдек, жабрланувчидан олган ашё ва маблағлар ҳақида батафсил маълумот олиниши зарур. Шу билан бирга, жабрланувчи жинойт ҳақида кимга ва қачон хабар бергани ҳам аниқланади.

Бундай ишлар бўйича далилларни тўплаш жараёнида воқеа жойини кўздан кечириш, изларни аниқлаш ва моддий ашёвий далилларни расмийлаштириш муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, электрон шаклдаги маълумотлар — хабарлар, аудио ёки видео ёзувлар, тўлов квитанциялари, скриншотлар — зудлик билан кўздан кечирилиши ва процессуал тартибда мустаҳкамланиши шарт. Бу маълумотлар жинойтчининг шахсини аниқлаш ва унинг ҳаракатлар занжирини тиклаш имконини беради. Агар жинойт стационар компьютер ёки интернетга уланган бошқа қурилма орқали амалга

оширилган бўлса, техник воситалар жойлашган ҳудудни ҳам тезкор тартибда кўздан кечириш мақсадга мувофиқ.

Киберфирибгарликда “виртуал жой” тушунчаси анъанавий жиноятлардан фарқли равишда кенг қамровлидир. Жиноятчи бир ҳудудда жабрланувчи билан танишиб, бошқа жойда уни алдаши ва учинчи жойда электрон маблағларни ўзлаштириши мумкин. Шу сабабли, қайси жойни кўздан кечириш ва қайси ҳолатларни текшириш зарурлигини ишни олиб бораётган мансабдор шахс аниқ вазиятдан келиб чиқиб белгилайди. Агар жиноятдан олдин гумонланувчи билан шахсий учрашув бўлган бўлса, бу ҳолат юзасидан ҳам қўшимча маълумотлар йиғилади.

Гумон қилинган шахс аниқлангач, уни ушлаш ва процессуал чораларни қўллаш масаласи кун тартибига қўйилади. Бунда унинг қочиб кетиши, далилларни йўқ қилиши ёки электрон қурилмалар орқали маълумотларни ўчириб юборишининг олдини олиш асосий мақсад ҳисобланади. Шу боис ушланган шахс зудлик билан шахсий тинтувдан ўтказилиб, жиноятга алоқадор бўлган қурилмалар, ахборот ташувчилар ва моддий бойликлар олиб қўйилиши лозим. Ушлаш тадбирлари одатда тезкор ходимлар ва терговчи томонидан ишлаб чиқилган режа асосида амалга оширилади.

Ахборот технологиялари орқали содир этилган фирибгарлик ишларида ушлашга тайёргарлик кўриш айниқса муҳимдир. Бу жараёнда иш материалларини таҳлил қилиш, гумонланувчилар ҳақида дастлабки маълумотларни йиғиш, ушлаш вақти ва жойини белгилаш, иштирокчиларни бир-биридан ажратиш каби чоралар кўрилади. Қонун талабларига мувофиқ, гумон қилинувчига ҳимоячи жалб этиш ҳуқуқи таъминланади.

Амалиётда кўпинча гумон қилинувчилар ўз айбини инкор этиб, ушлашни ноқонуний деб баҳолайдилар ёки шерикларини танимасликка уринадилар. Шу боис сўроқ жараёнида уларнинг кўрсатувлари бошқа далиллар — баённомалар, тинтув натижалари, гувоҳлар кўрсатувлари билан солиштирилади. Зарур ҳолларда юзлаштириш ўтказилади. Агар шахс ўз айбини тан олса, жиноятга тайёргарлик кўриш босқичи, қўлланган усуллар, иштирокчилар ва олинган маблағ ёки буюмларнинг тақдири батафсил аниқлаштирилади.

Киберфирибгарлик ишларида кенг қўлланиладиган тергов ҳаракатларидан бири — шахсни таниб олиш учун кўрсатишдир. Бунда гумонланувчининг ташқи кўринишини ўзгартириши эҳтимоли инобатга олинishi керак. Шунинг учун жабрланувчига шахсни синчиклаб кузатиш, унинг ташқи белгиларини таҳлил қилиш учун етарли шароит яратилади.

Гумон қилинувчининг алиби ҳақидаги кўрсатувлари ҳам атрофлича текширилади. Воқеа жойидан олинган излар, электрон далиллар, ашёвий буюмлар ва гувоҳлар маълумотлари орқали унинг сўзлари ҳаққонийлиги баҳоланади. Агар бир нечта шахс жинойтда иштирок этган бўлса, уларни сўроқ қилиш кетма-кетлиги уларнинг роли ва шахсий хусусиятларидан келиб чиқиб белгиланади.

Умуман олганда, киберфирибгарликни самарали фош этиш учун кўрсатувларни чуқур таҳлил қилиш, уларни тезкор-қидирув ва тергов жараёнида тўпланган маълумотлар билан таққослаш, ҳар бир тафсилотни синчиклаб текшириш зарур ҳисобланади. Ана шундагина жинойтнинг барча ҳолатларини тўлиқ очиш ва айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш имконияти яратилади.

Шундай қилиб, киберфирибгарликни фош этишда тезкор ходим, суриштирувчи ва терговчининг дастлабки суриштирув жараёнида бўладиган ҳамкорликнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан қуйидагиларда ўз ифодасини топган: 1) ҳамкорлик қилувчи субъектлар фаолиятида криминалистик тактика қоидаларига амал қилишнинг аҳамиятга эгаллиги; 2) ҳамкорлик тактикасини қўллаётган субъектлар фаолиятининг воситалари, усуллари ва ҳуқуқий базаси ўзаро фарқ қилиши; 3) ички ишлар органлари тезкор ходимларининг суриштирув ва тергов йўналишидаги ходимлар билан дастлабки тезкор суриштирув чоратадбирларини амалга оширишида ҳамкорликнинг аниқ мақсад ва йўналишларини белгилаб олиш зарурлиги. Киберфирибгарлик жинойтларини ўз вақтида аниқлаш ва фош этишда шунингдек бундай турдаги жинойтларнинг олдини олиш бўйича зарур қарорлар қабул қилишда фаолиятнинг ҳуқуқий асосини таъминлаб берувчи кибержинойтчиликка қарши курашиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш зарур.

Киберфирибгарлик жинойтлари замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг жадал ривожланиши шароитида кенг тарқалаётган ва юқори даражада яширин тарзда содир этиладиган жинойт турларидан бири ҳисобланади. Уларни фош этиш анъанавий жинойтларга нисбатан мураккаб бўлиб, махсус билим, тезкорлик ва мувофиқлаштирилган ҳамкорликни талаб этади. Шу боис киберфирибгарликка қарши курашишда тезкор хизмат ходимларининг фаолияти ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, киберфирибгарликни самарали фош этиш, аввало, тезкор хизматлар, тергов органлари, ахборот технологиялари мутахассислари, банк ва молиявий ташкилотлар ҳамда

бошқа ваколатли тузилмалар ўртасидаги тизимли ва узвий ҳамкорликка боғлиқ. Идоралараро ахборот алмашинувини йўлга қўйиш, рақамли далилларни тезкор равишда аниқлаш ва процессуал тартибда мустаҳкамлаш, тезкор-қидирув тадбирларини пухта режалаштириш ва мувофиқлаштириш мазкур фаолиятнинг асосий йўналишлари ҳисобланади.

Шунингдек, жабрланувчилар ва гумон қилинувчилар билан ишлашда психологик ёндашувни қўллаш, кўрсатувларни чуқур таҳлил қилиш, электрон ахборот манбаларини ўз вақтида кўздан кечириш ҳамда замонавий криминалистик ва техник воситалардан фойдаланиш ҳамкорлик самарадорлигини оширади. Бу эса жиноятчиларнинг шахсини аниқлаш, уларнинг ҳаракатлар занжирини тиклаш ва моддий зарарни қоплаш имкониятини кенгайтиради.

Хулоса қилиб айтганда, киберфирибгарликни фош этишда тезкор хизмат ходимлари томонидан амалга ошириладиган ҳамкорликни такомиллаштириш учун қонунчилик базасини янада мустаҳкамлаш, ахборот хавфсизлиги соҳасида кадрлар малакасини ошириш, замонавий рақамли таҳлил воситаларини амалиётга кенг жорий этиш ва идоралараро интеграцияни кучайтириш зарур. Ана шу чора-тадбирлар кибержиноятларга қарши курашиш самарадорлигини оширишга ва жамиятнинг ахборот хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning Oliy Majlis va O'zbekiston xalqiga Murojaatnomasi. 2025 yil 26 dekabr. <https://president.uz/uz/lists/view/8834>

2. Аминов Ш. Н., Мирсалихова Г. А. Ёшларда экстремизмга қарши иммунитетни шакллантириш йўналишлари //Innovation in the modern education system. – 2025. – Т. 6. – №. 49. – С. 215-225.

3. Таштемиров А. А. Ахборот технологиялари орқали содир этиладиган жиноятларни фош этишнинг ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатлари //World of Science. – 2023. – Т. 6. – №. 6. – С. 169-175.

4. Мирсалихова Г. А. Вояга етмаганлар жиноятчилигига қарши курашишда айрим процессуал тергов ҳаракатларини ўтказишнинг ўзига хослиги //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 12. – С. 141-146.

5. Aliqulovich T. A., Shukurjon o'g'li I. J. Кибержиноятларга қарши курашнинг замонавий тенденциялари //Научный Фокус. – 2025. – Т. 3. – №. 30. – С. 33-40.

6. Aliqulovich T. A., Bahodir o'g'li B. A. Raqamli texnologiyalar orqali sodir etiladigan tovlamachilik jinoyatlariga qarshi kurashishning o'ziga xos jihatlari //Научный Фокус. – 2025. – Т. 3. – №. 29. – С. 9-14.

7. Aliqulovich T. A., Axmat o'g'li M. A. Majburiy jamoat ishlari bilan bog'liq jazoga hukm qilingan shaxslar bilan ishlashda iio profilaktika inspektorlarining asosiy vazifalari //Научный Фокус. – 2025. – Т. 3. – №. 29. – С. 4-8.

8. Aliqulovich T. A., Ilhom o'g'li B. S. Badanga og'ir tan jaroxati yetkazish bilan bog'liq jinoyatlar profilaktikasini tushunchasi va uni amalga oshirish choralari //Научный Фокус. – 2025. – Т. 3. – №. 29. – С. 87-92.

9. Aliqulovich T. A. et al. Терроризм билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш этиш ва амалга оширишнинг хусусиятлари //Научный Фокус. – 2025. – Т. 3. – №. 29. – С. 15-20.

10. Aliqulovich T. A., Shavkat o'g'li C. A. Voyaga yetmaganlarga nisbatan sodir etiladigan jinsiy zo'ravonliklarning viktimologik profilaktikasi tushunchasi, turlari va ijtimoiy xavfi //Научный Фокус. – 2025. – Т. 3. – №. 30. – С. 213-219.

11. Aliqulovich T. A., Shavkat o'g'li C. A. Voyaga yetmaganlarga nisbatan sodir etiladigan jinsiy zo'ravonlik jinoyatlarini oldini olishning huquqiy asoslari //Научный Фокус. – 2025. – Т. 3. – №. 30. – С. 220-226.

12. Таштемиров А. А. и др. Профилактика инспекторининг нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлигининг ўзига хос хусусиятлари //O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali. – 2025. – Т. 4. – №. 47. – С. 189-196.

13. Таштемиров А. А. и др. Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича ички ишлар органларининг ҳамкорлиги //O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali. – 2023. – Т. 2. – №. 25. – С. 32-40.

14. Таштемиров А. А. и др. Ҳуқуқбузарлик содир этилишининг сабаблари ва шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш фаолиятини такомиллаштириш йўналишлари //So'ngi ilmiy tadqiqotlar nazariyasi. – 2023. – Т. 6. – №. 12. – С. 454-461.

15. Tashtemirov A., Po'latov A. Ayollar jinoyatchiligining oldini olish chora-tadbirlari //Инновационные исследования в науке. – 2024. – Т. 3. – №. 1. – С. 75-78.

16. Таштемиров А. А. и др. Ижтимоий профилактика объекти сифатида алкоголизм таъсиридаги шахслар билан ишлаш фаолиятини такомиллаштириш //So 'ngi ilmiy tadqiqotlar nazariyasi. – 2023. – Т. 6. – №. 12. – С. 552-558.

17. Мирсалихова Г. А. Ривожланган хорижий давлатларда вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятчиликка қарши курашишнинг тартибга солиниши //so 'ngi ilmiy tadqiqotlar nazariyasi. – 2023. – Т. 6. – №. 1. – С. 5-15.

18. Мирсалихова Г. Ички ишлар органлари тезкор қидирув фаолияти тизимида амалга оширилаётган маъмурий-ҳуқуқий ислохотлар истиқболлари //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 10. – С. 214-217.

19. Мирсалихова Г. А. Вояга етмаганлар жиноятчилигига қарши курашишда эҳтиёт чораларини қўллашнинг аҳамияти //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 13. – С. 160-165.

20. Мирсалихова Г. Тезкор қидирув фаолиятини ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 11. – С. 291-296.

21. Мирсалихова Г. А. Баҳодиров ААЎ Озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тизимининг ҳуқуқий ва ташкилий аҳамияти //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2024. – Т. 1. – №. 8. – С. 104-108.

22. Мирсалихова Г. Вояга етмаганлар жиноятчилигига қарши курашишнинг хорижий давлатлардаги илғор тажрибаси //Евразийский журнал технологий и инноваций. – 2024. – Т. 2. – С. 112-119.

23. Таштемиров А. А. и др. Ижтимоий тармоқлар орқали содир этилаётган жиноятларга қарши курашиш чора-тадбирлари //Models and methods for increasing the efficiency of innovative research. – 2023. – Т. 2. – №. 21. – С. 24-31.

24. Мирсалихова Г. Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларга нисбатан белгиланадиган жавобгарликнинг ўзига хос жиҳатлари //Models and methods in modern science. – 2024. – Т. 3. – №. 5. – С. 78-86.

25. Таштемиров А. А. Ахборот технологиялари орқали содир этилган фирибгарлик жиноятларига қарши курашиш самарадорлигига эришишнинг

хукукий ва ташкилий жиҳатлари //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 12. – С. 35-40.

26. Mirsalixova G. Shodiyev S. Voyaga yetmaganlar jinoyatchiligining o'ziga xos xususiyatlari //Development and innovations in science. – 2024. – Т. 3. – №. 1. – С. 160-168.

27. Таштемиров А. А., Калауов С. А. Йўл ҳаракати хавфсизлиги ривожланиш концепциясининг истикболлари ва киберхавфсизлигини таъминлаш зарурати //barqarorlik va yetakchi tadqiqotlar onlayn ilmiy jurnali. – 2022. – Т. 2. – №. 8. – С. 245-250.

28. Мирсалихова Г. А. Вояга етмаганлар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имкон берувчи шарт-шароитлар ва уни бартараф этиш йўналишлари //O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali. – 2023. – Т. 2. – №. 22. – С. 116-123.

29. Таштемиров А. А. Фирибгарликка имкон берувчи шарт-шароитлар ва ушбу турдаги жиноятларга тайинладиган жазо тизимининг ўзига хослиги //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 10. – С. 42-48.

30. Мирсалихова Г. А. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш йўналишлари //Innovation in the modern education system. – 2024. – Т. 5. – №. 46. – С. 291-300.

31. Таштемиров А. А. Йулларда ҳаракатланишни тартибга солишнинг хукукий жиҳатлари ва бу борада технологиянинг аҳамияти //siyosatshunoslik, huquq va xalqaro munosabatlar jurnali. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 111-115.

32. Мирсалихова Г. А. Вояга етмаганларга нисбатан содир этиладиган кибержиноятларнинг тезкор-қидирув тавсифи ва хусусиятлари //O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali. – 2024. – Т. 3. – №. 35. – С. 38-47.

33. Мирсалихова Г. А. и др. Профилактика инспекторининг вояга етмаганлар жиноятчилигига қарши курашиш фаолиятида илғор хориж тажрибасини қўллаш амалиёти //Pedagogical sciences and teaching methods. – 2024. – Т. 4. – №. 40. – С. 105-113.

34. Таштемиров А. А. и др. Жамоат тартибини сақлашда ички ишлар органлари ва нодавлат-нотижорат ташкилотлари ҳамкорлигининг ташкилий жиҳатлари //Scientific aspects and trends in the field of scientific research. – 2024. – Т. 3. – №. 28. – С. 124-131.

35. Мирсалихова Г. А., Баходиров А. А. Ў. Озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тизимининг ҳуқуқий ва ташқикий аҳамияти //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2024. – Т. 1. – №. 8. – С. 104-108.

36. Тоштемиров А. А. Некоторые аспекты изучение модели управленческой деятельности в органах внутренних дел. – 2022.

37. Таштемиров А. А. и др. Ички ишлар органлари профилактика инспекторлари ва божхона хизмати ходимларининг жинойтчиликка қарши курашиш борасидаги ҳамкорлигининг ўзига хос жиҳатлари //Innovative achievements in science 2024. – 2024. – Т. 3. – №. 35. – С. 124-132.

38. Аминов Ш. Н., Мирсалихова Г. А. Ёшларда экстремизмга қарши иммунитетни шакллантириш йўналишлари //Innovation in the modern education system. – 2025. – Т. 6. – №. 49. – С. 215-225.

39. Аминов Ш. Н. Терроризм ва экстремизмнинг жамият барқарорлигига таҳдиди //Journal of innovations in scientific and educational research. – 2025. – Т. 8. – №. 2. – С. 15-22.

40. Аминов Ш. Н. Возникновение терроризма, а также факторы, его вызывающие //Международная конференция академических наук. – 2024. – Т. 3. – №. 10. – С. 167-173.

41. Мирзахмедов А. М., Аминов Ш. Н., Холматов Ғ. М. Таълим сифати-ижтимоий тараққиёт омили //Academic research in educational sciences. – 2023. – Т. 5. – №. NUU Conference 2. – С. 424-432.

42. Холматов Ғ. М., Аминов Ш. Н. Фарғона водийсида жадидлик: миллий маданият муаммолари //Academic research in educational sciences. – 2023. – Т. 5. – №. NUU Conference 2. – С. 848-856.